




ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№44
(696)
2008 йил,
17 октябрь, жума

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг кундан-кунга ривожланиб бораётганида, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш муҳим омил бўлмоқда.

Фаргона вилоятидаги саноат корхоналарида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга ошириляпти. Чунончи, Қувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамиятида халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқарилаётган шиша ва ойна маҳсулотлари ички ҳамда ташқи бозорда харидоригир бўлиб бораёпти.

Шуни айтиш керакки, корхонадан жорий йилнинг август ойига қадар 3 миллион 200 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллион долларга кўп демакдир. Албатта, бу — мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Суратда: Қувасой "Кварц" акциядорлик жамиятининг илғор ишчиси Нилуфар Акбарова.



Партия ҳаёти

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Қонун лойиҳасида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши кўзда тутилган



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Адолат" СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Партия Сийёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилишда дастлаб "Иш бевуқининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан қўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Б.Соатов маъруза қилди.

Маърузачи ушбу меъёрий ҳужжат иш бевуқининг ҳодим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганида майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни ундиришга ҳизмат қилишини таъкидлади. Шу билан бирга, ҳодимнинг вафот этганилиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жа-

вобгарлигини мажбурий сугурта қилишдаги муносабатларни ҳам тартибга солиди. — Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар инобатга олинди, янада такомиллаштирилди, — деди Б.Соатов. — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳасининг ҳар томонлама мукамаллашуви "Адолат" СДПнинг ҳизмати катта бўляпти. Масалан, партия фаолларининг "Файз ҳолдинг" компаниясида ташкил этилган кенгайтирилган давра суҳбати, шунингдек, Наманган вилоятининг қатор корхоналарида ўтказилган тадбирларда иштирок этган фуқароларнинг қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганилди.

Қонун лойиҳасида иш бевуқининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишни амалга ошириш шар- тлари ва тартиби, сугурта

ҳодисаси юз берганда сугурта тоновини тўлаш тартиби, мажбурий сугурта қилиш субъектларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари содда ва раван баён қилинган.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетни лойиҳаси юзасидан Молия вазирлиги ўринбосари Мубин Мирзаевнинг маърузаси тингланди. Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган 2009 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси солиқ ва бюджет сиёсатида қабул қилинган асосий йўналишлар ва келгуси йилда қўйиладиган асосий мак- роиқтисодий кўрсаткичлар асосида тузилган. Мубин Мирзаев мамлакатимизда солиқ юқини камайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида шундай деди:

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири. Бу борада соҳанинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир 12 та қонун, 3 та Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ўнлаб қарорлари қабул қилинган ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Бугун инсоннинг соғлом бўлиши, аввало, унинг ўзига ва турмуш тарзини қандай олиб бори- шга боғлиқ. Шу билан бирга, инсон саломатли- гини таъминлашда муҳим

ҚОНУН ҚУДРАТИ — УНИНГ ИЖРОСИДА

саналган, аммо ҳар доим ҳам унинг ўз имкониятлари билангина амалга ошири- лиши қийин бўлган муам- молар ҳам учраб туради. Шулардан бири органи- змда йод элементининг етиш- маслиги муаммосидир.

Жаҳонда аҳолиси йод танқислигидан азият че- кан қатор давлатлар тажрибаси — мазкур муаммонинг сама- рали ечими — ош тузини йодлаш мажбуриятлари бўйича қонун қабул қили-

ниши билан амалга оши- риш мумкинлигини кўрса- тади. Ана шундай меъё- рий ҳужжат — "Йод етиш- маслиги касалликлари профилактикаси тўғриси- да"ги қонун мамлакатим- изда ҳам қабул қилин- ган. 2007 йилнинг май ойи- дан қўлга кирган ушбу қонуннинг ишлаб чиқи- ши ва қабул қилиниши бе- жиз эмас.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

16 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Ма- жлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик пала- тасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Иккинчи ўқишда Қонунчи- лик палатаси муҳокама- сида қиритилган «Ноширлик фао- лияти тўғрисида»ги Ўзбекис- тон Республикаси Қонунчи- лар палатаси ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация техноло- гиялари масалалари қўмита- сининг аъзоси О.Усаров маъ- руза қилди. Савол-жавоблар- дан сўнг ҳужжат моддама- модда муҳокама этилди, му- хокама чоғида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгар- тишлар ноширлик фаоли- яти соҳасидаги муносабатлар тартибга солинишини янада раванлаштириш, нашир- лар таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солиш қатор ҳуқуқий нормаларни аниқ- лаштириш, шунингдек, амал- даги ҳуқуқий нормаларни мамлакатнинг бошқа қонун- лари, ушбу соҳадаги халқ- аро стандартлар қоидала- рига мувофиқ ҳолга келти- риш мақсадида қиритилаёт- ганлиги таъкидланди. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.


Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова «Ўзбекис- тон Республикаси Олий Ма- жлисининг 2000 йил 14 декаб- рдаги 164-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Суд хо- димларининг мансаб даража- лари тўғрисида Низомга қўшимчалар қиритиш ҳақида- »ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қаро- рига мувофиқ Ўзбекистон Рес- публикаси Олий суди ҳузу- рига Суд қонунчилигини де- мократлаштириш ва либерал- лаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази та- шкил этилиши муносабати билан тақлиф қилинди. Савол- жавоблардан кейин депутат- лар қонун лойиҳасининг асо- сий қоидаларини мақуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

соғлиғига етказилган зарар- ни ундириш бўйича фуқаро- лик жавобгарлигини мажбу- рий сугурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий база яра- тиш муҳимлигини таъкидла- дилар. Қонун лойиҳасида иш бевуқининг, сугурта қилив- чининг ҳуқуқлари ва мажбу- риятлари, шунингдек, ҳо- димнинг ҳуқуқлари аниқ белги- лаб қўйилган. Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳа- заларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова «Ўзбекис- тон Республикаси Олий Ма- жлисининг 2000 йил 14 декаб- рдаги 164-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Суд хо- димларининг мансаб даража- лари тўғрисида Низомга қўшимчалар қиритиш ҳақида- »ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қаро- рига мувофиқ Ўзбекистон Рес- публикаси Олий суди ҳузу- рига Суд қонунчилигини де- мократлаштириш ва либерал- лаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази та- шкил этилиши муносабати билан тақлиф қилинди. Савол- жавоблардан кейин депутат- лар қонун лойиҳасининг асо- сий қоидаларини мақуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

ИЖОДКОРЛАРГА ИЛҲОМ БЕРГАН ҲАФТАЛИК



"Style.Uz-2008" Дизайн ва мода ҳафталиги нафақат юр- тимиз мода илҳомсозлари, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу кўплаб мамлакатлардан таш- риф буюрган меҳмонларнинг таассуротларида ҳам ўзининг аққол ифодасини топмоқда.

Гертруд ТАУХХАММЕР, Австриянинг «Society» журналы бош муҳаррири:

— Дизайн ва мода ҳафталиги мени жуда ҳайратлан- тирди. Негаки, унда Ўзбекистондаги ёш модельер ва дизайнерлар ижодини намойиш этиш, оммага таништи- риш, тарғиб ва ташвиқ этиш учун барча имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёш ўзбек дизайнерлари ўз ижодини турли давлатларнинг профессионал модель- ерлари билан бир сахнада намойиш қилмоқда. Бу эса жонли мулоқот ўрнатиш, мода соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

Норио СУРИКАБЭ, япониялик дизайнер:

— "Style.Uz-2008" Дизайн ва мода ҳафталиги давоми- да ўзбек модасини халқаро миқёсда танитиш имко- нияти берди. Ҳафталик давомида ўзбекистонлик бир қатор модельер ва дизайнерларнинг ижоди билан та- нишдим. Уларнинг либослар тўпаллари англичанлар, кутилмаган гошларга бўйлиги билан мени жуда ҳайрат- га солди. Нафақат мода, балки санъат, гўзаллик байра- мида айланган кетган ушбу тадбир юртингиз ва бошқа давлатлардан келган ижодкорлар учун ҳам битмас-ту- ганмас илҳом манбаидир.

Ў.А. мухбири
Назкат УСМОНОВА ёзаб олди.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги
қонун қабул қилинган кун

СЕҲР ВА ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

Эй, она тилим! Сен жонимизнинг жавҳа- ри, кўзимизнинг гавҳаридирсан! Дунёга келиб илк бора кўзимиз нурни қўрган бўлса, эшитганимиз илк сўзлар билан Сен таш- риф буюрдиг. Манзилнинг қалбимиз бўлди, лекин маконинг қаер, нега минг йил йўл босиб келаётгансан, билмоқ истайдиг. "Авалло нур бор эди, сўнг Тангри "бўл", деди — илк сўз айтилди — дунё пайдо бўлди", дейилади муқаддас китобларда. Дунё бирла яралган тилимизнинг қадим изларини Урхун-Энасой битикдошларида кўраимиз. Унинг битмас-туғамас бойликлари Махмуд Қошғарийнинг "Девони луғо-

тит-турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадгу билиг" китобларида тўплаган хазиналарда кўраимиз.

Буюк бобоклонимиз, шеърят мулки- нинг султони Алишер Навоий бу хазина- лардаги дуру гавҳарларни бутун оламга кўз- кўз қилдилар. Тилимизнинг сеҳру тарова- тини, қудрату латофатини зўр маҳорат ила назму насрда намойиш этдилар. Аммо она тилимиз ҳамон биз учун мўъжизаларини баг- рига яширган уммондир.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСИБ СОВФА

Жорий йилда Навоий шаҳрида кўплаб бунёд- корлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниса, 480 кишига мўлжалланган муҳташам «Ёшлар уйи»нинг қуриб- қойиладиганга топши- рилган шаҳар кўрғига кўрк қўшди. Шунинг- дек, қарийб 10 та кўча қайта таъмирланиб, янги чорраҳалар қури- лди. Шаҳарда йирик бо- лалар спорт мажмуаси- нинг ишга туширилгани эса келажак авлод учун янги қулайликларни яратди. Айти пайтда эса марказий дехқон бозо- ри таъмирланмоқда.

Бундай хайли ишлар Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинатининг 50 йил- лигига ҳақиқий совға бўлди.

ЯНГИ ЦЕХ ИШ БОШЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақў- пир туманидаги "Таймбет" фермер хўжалиги раҳ- барлари Сарсенбой Сейтназаровнинг ташаббуси билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи иш бошлади.

Фермер хўжалиги асосан галлачиликка ихти- сослашгани боис, хомашё шу ернинг ўзига етиш- тирилади. Янги новвойхона очилгач, яна ўн киши иш билан таъминланди.

Новвойхонада пиширилаётган нон маҳсулот- лари туман аҳолисига пешма-пеш етказиб бери- лаётир.

АБОНЕНТЛАР СОНИ ОШДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг хабар беришича, шу йил 1 октябрь ҳолатига кўра уяли алоқадан фойдаланувчилар сони 10,88 миллион кишига етган.

Биргина сентябрь ойида абонентлар сони 679 минг кишига кўпайган. Қурашувчиларнинг сўзларига қараганда, ўсиш шу таразда давом этса, жорий йилнинг охирига қадар уяли алоқа эгалари сони 13 миллион нафарга етади.

Айни пайтда юртимиздаги энг йирик уяли алоқа ком- панияси — «Ўздунробита» (МТС савдо белгиси) саналиб, унинг абонентлари сони 5 миллиондан ошди.

Ў.А. мухбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ҲАРАКАТ

Юртимизда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, хурфирлик ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга сиёсий партиялар муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада "Адолат" СДП Бухоро тумани Кенгаши бошланғич ташкилотлари томонидан сал- моқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Шуниси қувонарлики, сиёсий партияга мансуб фуқаро ўз масъулиятига тамомила янгича ёндашди, саёй-ҳаракатлар ва қараш- ларда ўсиш бор, — дейди туман Кенгаши раиси Файзулла Раҳматов. — Хусусан, "Адо- лат" СДП Бухоро тумани Кенгаши бошлан- гич ташкилот аъзоларининг ўз сиёсий элек- торати бўлган қатлам гошларини кундалик турмушда, иш фаолиятида қўришни истай- ди. Уларнинг бу борадаги ҳаракатлари меҳ- нат жараёнида намойиш бўлаётгани аҳамият- га молик.

Айни пайтда тумандаги 13-мактаб-интер- натида ташкил этилган бошланғич ташкилот фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бош- ланғич ташкилотлар орасида пешқадам бўлган

бу жамоага кўплаб ўқитувчи-педагоглар ва ишчи-хизматчилар аъзо бўлган. Айниқса, мураббий устозлар қадрдон мактабларда ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқ- да. Улар томонидан таълим масканларида "Адолат" рамзи остида кўплаб қизиқарли тадбирлар, баҳс-мунозаралар ўтказиб ке- линмоқда. Туман кенгаши қошида ёшлар ва хотин-қизлар қанотлари ҳам муваффақият- ли фаолият кўрсатмоқда.

Бошланғич ташкилот бошчилигида "Фи- дойилар клуби" ва "Иқтидорли ёшлар ака- демияси", "Нотиклик санъати ва заковат клуби"ларига эътибор ва қизиқиш тобора ортиб бораёттир. Бу ерда ёшлар яхши ҳулқ ва билимдон, ҳуқуқий билимлар эгаси, эз- гулик учун курашувчан бўлишга интила- дилар. Бу "Адолат" СДП бошланғич таш- килотидagi сафдошларнинг самарали ҳара- катларида намойиш бўлмоқда.

Бахтёр ТЕМУР,
"Адолат" мухбири.

«ОБУНА — 2009»:

«Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлиш!
Нашр индекси — 100.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давом. Бошлангани 1-бетда)

– Саноат маҳсулотлари ни ишлаб чиқаришдаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг ривожланишини қўшимча рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкасини ялпи тушумдан 2008 йилги амалда бўлган 8 фоиздан 2009 йилда 7 фоизгача пасайтириш режалаштирилган.

Таъкидландики, 2007–2009 йиллар давомида солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларининг ўзгариши, солиққа тортиш тизимининг соддалаштирилиши хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юкининг босқичма-босқич енгилаштиришга олиб келмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, мазкур қонун лойиҳасида аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳам кўзда тутилган.

Фракция йиғилишида “Стандартиштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу қонун



лоийҳаси юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Рашид Ҳайтов маъруза қилди. Муҳокамаларда қонун лойиҳалари юзасидан фракция аъзолари Абдурафик Аҳадов, Ойша Охунова, Худоев Маматов, Собир Турсуновлар фикр ва мулоҳазалар билдиришди. Қўмитадан ўрин олган барча масалаларнинг долзарблиги қайд этилиб, депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Шу кунги Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Дастлаб жорий йилнинг 27 сентяб-рида ўтказилган партия Сийёсий Кенгашининг Х Пленуми қарорларини самарали амалга оширилишини таъминлаш тўғрисида Сийё-

сий Кенгаш раиси Исмоил Саифназаровнинг нутқи тингланди.

Таъкидландики, партиянинг аҳоли ўртасидаги, айниқса, ўз электроти билан ўтказилаётган тадбирлар савияси ва қўламини ошириш бўйича замонавий шакл ва услубларни қўллаш, уларни тақомиллаштириш даражасини кўтариш лозим. Худудий партия ташкилотлари томонидан уюштирилаётган аксарият тадбирлар бошқа жамоат ташкилотлари режаларидаги мавзулар асосида ташкил этилаётти. Бу ҳолат кўпроқ Фарғона, Хоразм ва Навоий вилоятлари партия Кенгашлари фаолиятида учрамоқда. Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этишда жойларда партиянинг ташкилий ва мафқуравий ишларини янада кучайтириш лозим. Бу масъулият Сийё-

сар Алишер Мўминов маъруза қилди.

Партия Сийёсий Кенгаши ва Ижроия Қўмитаси ҳамда худудий Кенгашлари ташкилий масалаларни ҳал этиш юзасидан ишчи гуруҳи аъзолари соҳалар бўйича бир нечта гуруҳларга тақсимланди. Жумладан, Кадрлар захирасини шакллантириш, уларни ўқитиш ва жой-жойига қўйиш, партия Сийёсий Кенгаши ва Сийёсий Кенгаш Ижроия Қўмитасини янгилаш гуруҳи, Партия мафқураси ва дастурий ҳужжатларини тақомиллаштириш гуруҳи ҳамда Партия структураси ва янги Устави лойиҳасини ишлаб чиқиш гуруҳларида ажратилди. Таъкидландики, гуруҳларнинг самарали ишлаши партия фаолиятини янада кучайтиради.

Мажлис кун тартибидан ўрин олган партия нашри — “Адолат” ижтимоий-сийёсий газетаси тахрир хайфати таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, партия Сийёсий Кенгаши ва Ижроия Қўмитаси ҳамда худудий Кенгашлари ташкилий масалаларни ҳал этиш юзасидан таъинланган ишчи гуруҳининг фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Сийёсий Кенгаш раиси ўринбо-

Фарҳод ЭСОНОВ,
“Адолат” мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ
бўлган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Ҳайтов депутатларга “Стандартиштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини тўғрисида ахборот берди. Савол-жавоблардан ҳамда сийёсий партиялар барча фракцияларнинг вакиллари сўзга чиққан муҳокамадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита

раиси А.Турсунов сўзга чиқди. Қўмита мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий асосларни яратиш ва қонунчилик базасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида муайян ишларни амалга оширилганини таъкидлади. Ҳисобот муҳокамаси якунларига кўра Қўмитага қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини тушунириш ишларининг самардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Депутатлар ҳисобот муҳокамаси якунлари юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Адолат” СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан Ёшлар Йилига бағишлаб ўтказилаётган “Ёшлар – бизнинг келажакимиз” мавзусидаги бир ойлик акция давом этмоқда.

Партия фаоллари яқинда Термиз шаҳридаги “Юлдуз”, “Байналимил” ва “Темирйўлчи” маҳаллаларида бўлиб, тадбир доирасидан ўрин олган давра суҳбатларини ўтказишди.

– Вилот “Саломатлик маркази” билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур акция-

дан кўзланган асосий мақсад келажак авлоднинг нафақат маъна, балки жисмонан соғлом, бақувват инсон бўлиб воғеа етишишларини таъминлашдан иборатдир, – дейди вилот партия Кенгаши раисининг ўринбосари Шохидда Жумаева. – Қувонарлики, кўзгич баҳо-мунозараларга бой тарзда ўтаётган тадбирларимиз давомида аҳоли ўртасида, айниқса, ёшларда партиямига бўлган қизиқиш янада ортмоқда.

Ф.ЭРКИНОВ.

ҚОНУН ҚУДРАТИ — УНИНГ ИЖРОСИДА

(Давом. Бошлангани 1-бетда)

Негаки, мамлакатимиз худудда табиий йод элемент амалда деярли учрамаганилиги туфайли аҳолининг қимёвий муҳим микро-элементга бўлган талабини қондиришнинг ягона, осон ва арзон, энг муҳими, ҳам-манинг қўлидан келадиган йўли – бу, озик-овқат маҳсулотлари билан фақат йодланган ош тузини истеъмол қилишдир. Шу туфайли мазкур қонунда айни шу жиҳат инобатга олинган ва унга кўра, Ўзбекистон худудда йодланган ош тузининг дўконларда сотилиши (шунингдек, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, ташлиши, Ўзбекистон худудига олиб кирилиши ҳам) мутлақо тақиқланган.

Қонунда йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қўйилганлиги белгиланган.

– йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши; – истеъмол бозорини йодланган ош тузи ва озик-овқат маҳсулотлари билан тўйинтиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий-ташқилий чораларнинг амалга оширилиши;

– йодланган ош тузи ва озик-овқат маҳсулотларининг сифати, хавфсизлиги устидан давлат назоратини ўрнатилиш, бу соҳада илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

– аҳолини йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлардан муҳофаза қилишда индивидуал ва оммавий профилактика чораларини кўриш;

– йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш учун қўллангилардан дорилар восталарининг ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

– йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш соҳасида ахборот-таҳлилий ва статистик ҳисобга олиш тизимларининг тақомиллаштирилиши;

– болаларни, туғиш ёшидаги аёлларни таркибидан йод бўлган препаратлар билан профилактик таъминлаш тадбирларини амалга ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, мажкур йўналишдаги фаолиятни амалга оширишда хомийлар имкониятларидан фойдаланиш;

– халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда йод танқислиги ҳолати ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг реал имкониятларини яратди. Аммо, бу имкониятлар ўз-ўзидан самара бермайди. Қонун ижросини талаб даражасига етказмасдан туриб, ундан кутилаётган натижа – аҳоли ўртасидаги йод танқислиги оқибатида келиб чиқаётган касалликлар ва уларнинг оғир асоратларини бартараф этишга тўлиқ эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқат. Қолаверса, мазкур қонуннинг ижроси асосан соғлиқни сақлаш тизими, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мутасаддилари фаолиятига боғлиқ бўлса-да, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фаолияти ҳам муҳим рол ўйнайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ўз назоратидаги “Йод етишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганиб, таҳлил қилиш асосида семинар-йиғилишлар ўтказмоқда. Семинларда мазкур қонун ижросига бевосита ёки билвосита дахлдор раҳбар ходимларнинг, давлат ва нодавлат ташкилотлар мутасаддиларининг, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг иштироки таъминланиб, худуддаги муаммо ва камчиликлар аниқланмоқда, қонун ижросига ҳалақит бераётган омилларни бартараф этиш юзасидан аниқ тахлил ва тавсиялар берилмоқда.

Айни кунгача қўмита томонидан қонун назорат-таҳлилга доир семинар-йиғилишлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятларида ўтказилди. Ушбу худудларнинг барчасида деярли бир хилдаги камчиликларга йўл қўйилаётганини туфайли қонун ижроси оқсатганлиги аён бўлмоқда. Улар асосан қўйиладиган лардан иборат:

– ушбу вилоятларда аҳолининг йодланган ош тузи билан таъминланганлиги даражаси ўрта ҳисобда 50–55 фоиз (айрим худудларда 40 фоиз)дан ошмаяпти, йод танқислиги оқибатида келиб чиқаётган бўқоқ касаллиги тарқалганлиги даражаси ҳам 50–55 фоизни ташкил қилмоқда;

– жойларда сифатсиз йодланган, давлат санитария қоида ва нормалари талаблари даражасида йодланмаган, таркибидан йод микро-этарли бўлмаган ёки у умуман бўлмаган ош тузлари ишлаб чиқарилмоқда ва реализация қилинмоқда;

– қонунда йодланган ош тузини ишлаб чиқариш фа-

кат юридик шахсларга руҳсат этилган бўлса-да, жойларда тегишли санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда бу иш билан ҳануз жисмоний шахслар ҳам шуғулланиб келишмоқда;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари йодланган туз ва озик-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан ўз ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширишларида сустрхалликка йўл қўйишмоқда;

– қонунда белгиланган қўйилганга қарамадан, аҳолининг йод етишмаслиги касалликларига чалинишининг олдини олиш борасидаги оммавий ҳамда яқка тартибдаги профилактика масалаларига ҳам айрим мутасаддилар томонидан эътиборликсиз билан қаралмоқда;

– аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари қўлами ҳамда мазмун-моҳияти, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаяпти ва ҳоказо.

Мухтасар айтганда, тилга олинган вилотлардаги айрим давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг қонун ижросини тўлиқ таъминлаш борасидаги фаоллиги унчаллик сезилмапти. Ваҳоланки, бугунги кунда ушбу ҳаётбаш қонунни ижро этиш учун мамлакатимизда етарли ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий омиллар мавжуд. Бошқача айтганда, йод танқислиги муаммосининг узил-кесил очими бор: бутун республикамиз худудидан аҳолини сифатли ва меърийдан йодланган ош тузи билан таъминлашнинг эришолмас, масала ҳал бўлади, қўйди. Республикаимиздаги йодланган ош тузини ишлаб чиқарувчи ва қаддоқловчи мавжуд корхоналар бугунги кунда мамлакат аҳолисини йодланган ош тузи билан тўлиқ таъминлаш салоҳиятига эга. Қолаверса, бу жараёнда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, фуқароларнинг жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдорлик туғилуларини сезишларига эришиш – муҳим аҳамият касб этади. Шундангина қонун ижроси таъминланади. Зеро, ҳар қандай қонун қудрати – унинг ижросида.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Тошкент кимё-технология институтига Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз томонидан шу йил 1 май кунини имзоланган Фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган тадбирлар дастури амалга оширилаётган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига 1991 йилда қўшилган. Декларация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлаш, айниқса, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида Сийё-

сий партиялар ҳам қўллаб ишларни олиб бормоқда. Хусусан, “Адолат” социал-демократик партияси ҳам турли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда аҳоли-



МАҚСАДГА ҲАМОҲАНГ ФАОЛИЯТ

нинг сийёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида мунтазам равишда тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Зеро, партиянинг асосий мақсади – юртимизда яшаётган барча миллат ва элзатларнинг умумманфаатларига мос ке-

ладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини таъминлашдан иборат. Давра суҳбатида Инсон

ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун

СЕҲР ВА ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

(Давом. Бошлангани 1-бетда)

Дарҳақиқат, тилимизда бутун миллатнинг қўйиқасини кўрамин, зеро, миллат бу – тил, тил – миллатдир. Халқимизнинг тарихини, урф-одатларини, қадриятларини, эртагу дostonларини, эрқу гурурини асрлардан асрларга олиб ўтаётган она тилимиздир. Шу боис, миллатга таъовуз қилмоқчи бўлганлар, аввал тилимизга ҳужум қилган эди. Бунга тарих гувоҳ; шўролар даврида тилимизни атоқли шонимиз Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда, “мажлислардан қувилган тил”га айланттиришди. Миллатимиз бошига ўзга тилни давлат тили қилиб қўйдилар. Она тилини, миллатини ўйлаганларни қатл қилдилар. Тилимиз бойлигини, ғўзаллигини намоеён этган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари алломалар тил дея, миллий гурур ва ҳуррият, дея жонларини фидо қилдилар.

Ҳар қандай зулмат бир кунмас бир кун нур олдидан чекинади. Йигирманчи аср охирида миллат бошида яна она тилимиз қўйиш порлади. Юртбошимизнинг шижоати, азму қарори туфайли 1989 йил 21 октябрда она тилимизга давлат тили мақоми берилди.

Бу юксак эътибор боис, тилимизнинг қирилган қанотлари қайта ўсиб чиққан лочин мисоли парвоз қилди. Эндилекда она тилимиз биз учун қанотга айланди. Сенинг номинг билан аталувчи мамлакатимизда бугун янги авлод тилимиз бойлиқларини ўрганмоқда, мактаб, лицей, коллеж ва университетларда сабоқ

олмоқда. Аммо баъзи бир нохуш ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ҳазрат Алишер Навоий: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, деган эдилар. Замон шитоби туфайли кўча-кўйда лаваҳлар, эълонлар осиб расм бўлди. Уларга назар ташласак, ҳаттоларга, чўчма таржималарга кўзимиз тушади. Ёхуд айрим суҳандонларнинг тилимиз тароватини бузиб гапирётганларини эшитиб ранжиймиз. Баъзи бир ёш хонандаларнинг алаҳишрашга ўхшаш қўшиқларини тингласангиз оғир – ғашингиз келади.

Бу ҳол қалбимизни ўртади. Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор: “Қўчада бир одам қондан бузса, дарров милиционернинг хуштаги чуриллайди. Неге энди тилимизни ҳар қадамда бузиб, расво қилаётганларнинг мушунини ҳеч ким “пиш” демайди?” деган эдилар.

Зеро, тил ҳам мисли бир гулки, эътибор билан парвариш қилинса, хуш бўлибдан ҳаммаимиз бахраманда бўламиз. Эътиборсизлик қилинса, таровати йўқолади, сўлади. Тилга ихтиёр эътиборда бўлиш бизнинг – ҳар бириимизнинг бурчимиздир. Ахир, дунёни бизга, бизни дунёга танитувчи она тилимиз.

Эй, она тилим, сен дилларни дилларга боғловчи муҳташам кўприксан, инсониятни ҳамжихатликка, тотувликка, қамолотга элтувчи неъмат, сеҳрли қудратсан. Ана шунинг учун ҳам, токи ер юзидан одамзод бор экан, сенинг мадҳинг қалбларда янграйверди.

Иброҳим АЗИЗОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

СОФ ФОЙДА ХИСОБИГА

Юртимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида кенг қўлама тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўжа туманида ҳам бу борада бир қатор ишлар олиб борилаётган.

“Бўжа Матлуботсавдо” кўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятининг ахил жамоаси жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб мунтазам равишда туман аҳолисини турли хил озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Сўнгги беш ой давомида 412 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинди.

– Беш ойлик савдо хизмати кўрсатиш натижасига кўра 31 миллион сўмлик даромад қилинди, – дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари М.Ҳамроқулова. – Бу, аввало, 15 кишилик жамоамизнинг ҳамжихатлигидан қилаётган меҳнати самарасидир. Қолаверса, улар туманимиз аҳолисининг озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида меҳнат қилишапти. Шунинг учун ҳам бизнинг хизматимиздан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Даромадга яраша буюрмад, деганларидек, масъулияти чекланган жамият жамоаси хайрли ишларга ҳам бош қўшапти. Турли байрамларда кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолдан хабар олинмоқда. Масалан, яқинда қорхона томонидан тумандаги Меҳрибонлик уйига 150 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

А.ХУДОЕВОВ,
“Адолат” мухбири.

Адолат – бу ҳуқуқ демок. Зеро, ҳуқуқини билган одам ҳеч қачон қочқилмайди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг низоми ва дастурида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида амалга оширилиши шарт бўлган чора-тадбирлар белгиланган. Бу мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим омил бўлаётган.

ҲАМКОРЛИКДАГИ СЕМИНАР

“Адолат” СДП Андижон вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилот прокуратураси, Адлия бошқармаси ва хўжалик, жиноят, фуқаролик ишлари бўйича вилот судлари, вилот суд ижроичилари департаменти ва бошқа бир қатор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларациясининг аҳамияти” мавзусидаги семинар ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Тадбирни олиб борган партияимизнинг Андижон вилояти Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мамозовир Ҳўжабердиев инсон шайни, унинг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қарор ва фармонлар ҳуқуқиматимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинганлиги, бу эса инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси талабларига тўла-тўқис жавоб беришини алоҳида таъкидлади.

Семинарда мутахассислар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унинг яратилиш тарихи ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳусусида кўргазма ва жонли мисоллар орқали тушуначалар беришди.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбирда “Энг яхши ҳуқуқ билимдони” номини олиб буйича қўйилган аниқлаб, фойда иштор этган ўқувчи ва ёшларга “Адолат” СДП вилот Кенгаши ва Адлия бошқармаси совғалари топширилди.

Аҳамиятисини, тадбирда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган ана шундай тадбирлар келгусида ҳам мунтазам равишда ўтказиб туришга келишиб олинди.

Ш.ИБРОХИМОВ.

СИФАТЛИ ВА КЎРКАМ

“Бунёдкор” масъулияти чекланган жамият истиклол билан тенгдош. Дастлаб ҳажман кичикроқ қурилишларни ўзига хос меъморий ечим билан тез ва сифатли яқунлаб мижозлар назарига тушган жамоа бугунги кунда Самарқандда қурилиш индустриясининг карвонбоши-сига айланган.

Вилоят ҳокимлигининг “Инжиниринг” компанияси томонидан ўтказиб келина-ётган ҳар сафарги тендерда “Бунёдкор” жамоаси энг йирик, муҳим объектларни бар-вақт, сифатли ва ортиқча харажатларсиз қуриш тақлифи билан чиқмоқда.

— Буюртмачи талабига яраша ишлаш учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд, — дейди “Бунёдкор” раҳбари Нуриддин Бобоев. — Турли ўлчамдаги бетон-плиталар, ғишт ишлаб чиқарадиган заводи-миз, дурадгорлик, пай-вандлаш цехларимиз бор. Биноқорлик ашёларининг 50-60 фоизини ўзимиз тай-



ёрлаймиз. Қурилиш техни-каси ҳам, айланма маб-лағларимиз ҳам етарли. Шу

боис, иморатсозликда тан-наrx арзонлашиб, фойда салмоғи ошаяпти.



Дарвоқе, 100 дан ортиқ қурувчи, мутахассисни дои-мий иш билан таъминлаган

корхона уларга юқори маош тўламоқда. Шерзод Аҳмедов, Исомиддин Бобо-ев, Салоҳ Омонов, Матлаб Ҳақимов сингари қурувчи-лар муносиб рағбат туфай-ли ташаббус кўрсатиб меҳ-нат қилмоқдалар.

“Бунёдкор” масъулияти чекланган жамияти ҳозир Ипотека банк кредитлари асосида ёш оилаларга янги уй-жой қуриш дастурида иштирок этмоқда. Ургут ту-манида фақат шу йилнинг ўзида ўнлаб ёш оилалар ана шундай кўркам квартиралар туҳфа этилади. Бу уйларида мустақиллик фарзандлари ўсиб-ўлғайиши эса юр-тимиздаги қурилиш-ободон-чилик ишларининг аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётганидан далол-латдир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири.
Суратларда: Нуриддин Бобоев ва унинг жамоа аъзолари.

Муаллиф олган суратлар.

ИНСОННИНГ ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ

унга хавф туғдирувчи халқаро миқёсдаги жиноятлардан бири — одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари

Одам савдосига қарши ку-раш борасидаги илк халқаро битимлар 1815 йили Вена, 1915 йили Ахен конгрессла-рида қабул қилинган. 1956 йили БМТнинг Женевадаги конференциясида 43 мамла-када вакиллари “Кулчилик, кул-дорликка ўхшаш одатларни тугатиш ҳақидаги кўшимча Конвенция”ни қўллаб-қувват-ладилар. Ушбу Конвенцияда бола савдоси ва бола меҳна-тини эксплуатация қилиш, аёлларни уй қулгига айланти-риш, яъни сотиб олиш, со-тиб юбориш, авлоддан-авло-да қолдиришни тақиқлаш масалаларида алоҳида эъти-бор қаратилган.

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларнинг олди-ни олишни қўлайтириш мақ-садига 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси-нинг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қону-ни қабул қилинди. Бундан ташқари, Жиноят кодекси-нинг 135-моддасида ушбу турдаги жиноятларга жавоб-гарлик турлари белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда мазкур жиноятнинг олдини олиш, аниқлаш, тек қўйиш, оқибат-ларини қамайтириш, одам савдосидан жабрланганлар-га ёрдам кўрсатиш бўйича давлат органлари, идоралар-ро қомиссиялар, шунинг-дек, бу фаолиятни беvosита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланб берилган. Одам савдосига қарши ку-рашни ташкил этиш бўйича фаолиятни беvosита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Респу-бликаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирли-клари, дипломатик ваколатхо-на ва консуллик муассасала-

ри эътироф этилган. Қонун-да бу йўналишдаги фаолият-ни қонун ҳужжатларига му-вофиқ бошқа давлат орган-лари ҳам амалга ошириши таъкидланган.

Қонунда ички ишлар органларининг одам савдо-сига қарши курашдаги вако-латлари ҳам белгиланб берил-ган. Чунончи, ички ишлар органлари бу турдаги жино-ятларни очиб бўйича тезкор-ликдирув ишларини, статис-тика ҳисоботини ташкил эта-ди ва амалга оширади; одам савдоси билан шуғулланув-чи шахслар, уюшган гуруҳ-лар ва жиноий уюшмалар фаолиятига тек қўйиш бўйи-ча халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик-ни йўлга қўйди; фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижо-рат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда оммавий ахборот во-ситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида огоҳланти-риш-профилактика ишлари-ни ўтказди.

Мамлакатимизда одам сав-досидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида их-тисослаштирилган муассаса-лар ташкил этилган. Улар ўз фаолиятини Вазирлар Мах-камаси томонидан тасдиқлан-ган Низомга мувофиқ амалга оширади. Ихтисослаштирил-ган муассасалар зиммасига:

- одам савдосидан жабр-ланганларни қўлай яшаш ва шахсий гигиена шароитлари билан таъминлаш ҳамда уларга шовишланиш тиббий, психологик, ижтимоий, юри-дик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш;
- одам савдосидан жабр-ланганларнинг хавфсизлиги-ни муҳофаза қилиш ва улар-га қариндошлари билан

алоқа ўрнатишга қўмакла-шиш;

- одам савдосидан жабр-ланганларга ҳуқуқ ва қону-ний манфаатлари ҳақида ах-борот бериш ҳамда уларга ижтимоий реабилитация қилишда қўмаклашиш каби вазифалар юқлатилган.

Ижтимоий реабилитация қилишда жабрланганларга шахсини тасдиқловчи ҳуж-жати бўлмаган ҳолатларда уларни ватанига қайтариш ҳақида республикаимизнинг консуллик муассасаларидан маълумотнома-ғувоҳнома бе-рилади. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Давлат бюджетли маблаглари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Дунёда бугунги кунда 12 миллиондан зиёд инсон одам савдоси жабрланувчи-ларига айланган. Ачинарли томони шундаки, уларнинг 80 фоизини аёллар ва бо-лалар ташкил қилмоқда. Уларни одам савдосига тор-тиш инсон ҳуқуқлари пой-мў қилинишининг бир кўринишидир. Бу ОИТС, ги-ёҳвандлик ва бошқа хавфли касалликларнинг кенг тар-қалишига сабаб бўлаётди. Воғна етмаганларни оғир жисмоний ишларга мажбур-лаш ҳолатлари ва оғир маи-ший шароитлар уларни хас-талиқка, ҳатто ногиронлик даражасига олиб келаяпти.

Махмуд МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
НИВ Академияси
таълиқчиси.

Долзарб мавзу!

Фаолият

Узун туманида истиқомат қилаётган Шерзод Раҳматовни кўпчилик ёш тадбиркор сифатида яхши билиди. У “Микрокредитбанк”дан 500 минг сўм микросумма олд ва сифатли, бажарим мебоеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кўпчилиكنинг назарига тушди.

БАНК КЎМАГИДА

— Халқимиз бекорга «Унар, хунардан ризқинг унар» деб айтмаган экан, — дейди ёш тадбиркор. — Бо-лалигимдан дурадгорликка меҳр қўйдим. Шу сабабли мактабни битирганим ҳамон ҳеч иккиланиб-ўтирмай уста дурадгорга шоғирд тушдим. Дурадгорликнинг сир-ас-рорларини кунт билан ўрга-ниб, ўзим ҳам мустақил ра-вишда мебоель ясай бошла-ям. Шунда ўзим яшади-ган туманда ҳам чиройли ме-беллар ишлаб чиқариш ни-яти туғилди. “Микрокредит-банк”нинг Узун тумани фи-лиалига ҳамкорлик қилиш-ни тақлиф этганимда, у ер-дагилар кучок очиб қутиб олишди.

Дарвоқе, Шерзод Рах-матов ишлаб чиқараётган мебоелларнинг маҳаллий шароитга мослиги, безак-ларининг шу ҳудуддаги аҳоли дидига тўғри кели-ши муваффақиятлар оми-ли бўлди. Михозлар сон-и кун сайин ортди. Айниқса, янги турмуш қураётган ке-лин-куёвлар ёш тадбир-корга мебоеллар ясаб бе-

ришни сўраб буюртма қила бошлагани бунда қўл кел-ди.

Бугун тадбиркор йигит шакафу сандиқлардан тор-тиб замонавий жавонлар-гача бўлган 25 хилдаги ме-беллар ишлаб чиқармоқда. У билан суҳбатда бўлган киши банкдан олган сар-моси туфайли шундай на-тижаларга эришгани, тад-биркорлик ва ишбилармон-ликка мамлакатимизда кенг йўл очиб берилганини қувонч билан сўзлайди. Ёш бўлишига қарамай, ун на-фарга яқин шоғирдларига дурадгорлик сирларини ўргатаётгани эса у бошла-ган ишнинг истиқболдан далолат. Қувонарлиси, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган шарт-ша-роитдан оқилона фойда-ланган ёш тадбиркор на-фарга ўз оиласи учун даро-мад олишга, балки маҳал-лада истиқомат қилаётган ёшлар учун янги иш ўрин-лари яратилишига ҳисса қўшди.

Бахтёр ТОШНАЗАРОВ,
“Адолат” мухбири.

Модернизация

ИШ УНУМИ ОРТМОҚДА

Жондор туманидаги “BUXARA-ALLIANS” хорижий кор-хонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда корхонада Италиядан келтирилган қиймати 476 минг АҚШ долларилек замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу эса иш унуми ва сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Корхонада яқинда олма шарбатини қадоқлаш асбоб-ускуналари ўрнатилди. Натижада маҳаллий маҳсулотлар-ни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Корхона ижрочи директори Раҳим Ҳўлатовнинг айти-шича, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва тақомил-лаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлардан кўзда тутил-ган асосий мақсад, аввало, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшиш-дан иборат.

Корхонада ўрик шарбатини қадоқлашни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Б.ТЕМИРОВ.

Япония сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар кузатишмоқда. Яқинда бош вазир лавозимига мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазир Таро Асо амалдаги либерал-демократлар партиясидан яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Бу 2006 йил кузиди Дзюньитиро Коидзумининг бош вазирликдан кетганидан сўнг Вазирлар Маҳкамасидаги учинчи ўзгаришдир.

«ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЁТГАНАЛАР»

Японияда ҳукумат тепасига келган учинчи бош вазир ҳам айни куз фаслида истеъфога чиқди

Дзюньитиро Коидзуми ҳукуматни 2001 йилдан 2006 йилгача муваффақи-ятли бошқарган бош вазир саналади. У ҳукумат қарз-ларини қамайтириш ва почта хизматини ҳусусий-лаштиришдаги ислохотла-ри билан алоҳида тилга олинади. Шунингдек, Коид-зуми раҳбарлигидаги ҳуку-мат замонавий техника ва технологияларни ривож-лантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Колаверса, Хитой, Жанубий Корея ва Россия билан муносабатлар қайта тикланди. Аммо Д.Коидзуми 2006 йилнинг кузиди муддатидан олдин ўз вако-латини топширган, сўнгги икки йил давомида унинг ўрнига келган бош вазир-лар на ташқи ва на ички сиёсатда айтарли ўзгариш-ларни амалга оширгани йўқ. Дастлаб Синдзо Абэ-нинг сиёсатдаги кескин фа-олияти, ҳукумат вакиллари билан келишмовчиликлари узоғи билан бир йил давом этди ва охир-оқибат ўзи-нинг истеъфоси билан якун топди.

сий сабаб, уларнинг муҳо-лифат қаршиликларини бар-тараф эта олмаганликлари, дейишмоқда. Ясуо Фукуда, шунингдек, Либерал-демок-ратик партия олдиди турган сиёсий инқирозни бартараф

Таро Асо 1940 йил 20 сентябрда Япониянинг Фуку-ока вилоятида дунёга келган. Оилали, бир ўғли ва бир қизи бор. Асо Япония ҳукуматидаги энг бадавлат кишилардан.

эта олмаган бош вазир си-риятида кўзга ташланди. Аҳамиятли томони шун-даки, Фукуда Вазирлар Маҳкамасидан четлатилган рўйхатида Дзюньитиро Коидзуми давридаёқ ташқи ишлар вазир бўлган Таро Асо ҳам бор эди. Айнан у орадан икки ой ўтиб, Либе-рал-демократик партияда юксак ўринни эгаллади — партия раиси бўлди. Бу ўз-ўзидан унинг раҳбарлигида янги Вазирлар Маҳкамаси шакллантирилишини англа-тарди.

Таро Асо 1963 йили То-кионинг «Токусюин» универ-ситети иқтисодиёт факультети

Шарҳ

нашган.

Таро Асо сиёсатга ўтган асрнинг 80-йиллари боши-да кириб келган. Уша пайт-да уни илк бора Япония пар-ламентининг қуйи палатаси депутатлигига сайлашди. Кейинчалик яна саккиз мар-та сайланган Асо нафақат Либерал-демократик партия раҳбариятининг, шунингдек, ҳукуматнинг ҳам ишончини қозона олди. У Япония таъ-лим, маданият ва спорт ва-зир, 2001 йили иқтисодиёт ва молия вазир, 2003 йил сентябрда эса мамлакат ички ишлар ва алоқа вазир ла-возимларида фаолият кўрсатди. 2005 йил октяб-рида Вазирлар Маҳкамаси лавозимларини қайта ташкил этилиши жараёнида Асо таш-қи ишлар вазир эди. Шу-нинг учун бўлса керак, му-тахассислар уни Коидзуми олиб борган илохотларнинг давомчиси, дея эътироф этишмоқда.

Ҳукуматнинг юқори ман-сабларида ишлаб тобланган, анчайин киришмили Таро Асо ташқи сиёсатда Корея халқ демократик республи-каси билан ўзаро муноса-батларни яхшилашга жиддий эътибор қаратишини айтган.

Миллий аъналар тарафдо-ри бўлган Асо қонунчиликка киритиладиган айрим (ай-ниқса, аёлларнинг императо-тор тоҳини олишларига им-кон берувчи) ўзгаришларга қарши. У бош вазир бўлга-нининг дастлабки кунидан бошлаб иқтисодиётни ислохот этишга киришди. Зеро, бир неча йилдан бунён мамлакат-да аини шу соҳа бироз оқсоқланиб келаётганиди.

Юқорида тилган олинган бош вазирлар — Дзюньитиро Коидзуми, Синдзо Абэ ҳамда Ясуо Фукуда айнан куз фаслида турли сабаб-ларга кўра истеъфога чи-қиб кетишган. Бу ҳолат Таро Асо фаолиятида ҳам юз бер-маслиги учун унинг тараф-дорлари зарур чора-тад-бирларни кўришмоқда. Ху-сусан, келаси йилга мўлжалланган парламент сайловларини шу йилнинг октябрь ойида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилин-гани сиёсий илохотларда-ги илк қадам бўлди. Бино-барин, темирни қизигида босган афзал. Айни пайтда бош вазирнинг мамлакат аҳолисининг ақсарияти қўллаб-қувватлаб турибди. Бу эса, амалдаги партия-нинг умумхалқ сайловлари-да ғалаба қозонишга шубҳа қолдирмайди.

Бехуд БОТИРОВ,
сиёсий шарҳловчи.



ҚАРИЙБ ЯРИМ АСР ЎТИБ



алоқаларнинг бошланиши ҳақидаги баённомага имзо чекишган.

Сурия 1976 йилда Ливандаги фуқаролар уруши вақ-тида мазкур мамлакатга ҳарбий қўшинларини киритиб, 2005 йилда олиб чиққан эди.

Сурия ва Ливан ўтган 60 йил даво-мида илк мартаба дипломатик алоқа-ларни йўлга қўйди.

Сурия ташқи иш-лар вазир Валид Муаллем ва унинг ливанлик ҳамкасби икки давлат ўртаси-даги дипломатик

АЛИЕВ ЕТАКЧИ



Озарбайжонда президентлик сай-ловлари ўтказилди.

Мамлакат марка-зий сайлов комис-сияси таркатган да-стлабки маълумот-ларга кўра, унда қарийб 3,5 милли-он киши ёки сай-ловчиларнинг 65 фоизи иштирок эт-ган. Сайловда амал-даги президент, «Янги Озарбайжон» партияси етакчиси Илхом Алиев етак-чилик қилмоқда.

Мазкур сиёсий тадбирда яна олти нафар номзод ку-раш олиб бормоқда. Якуний натижалар эса бугун эълон қилинади.



5 МИЛЛАНАРГА ҲАМ ЕТАДИ

Сайёрамизда уяли алоқадан фойдаланувчилар сон-и 4 миллиард кишидан ошди. Бу ҳақда Халқаро электралоқа итти-фоки маълум қил-ган.

Хабарда ёзили-шича, 2000 йилдан бошлаб мобил алоқа эгалари йилга 25 фоизга кўпайиб бормоқда. Бундан 8 йил аввал сайёрамизда «сотка»дан фойдаланувчилар 12 фоизни ташкил этарди. 2008 йилнинг охирига ке-либ, бу кўрсаткич 61 фоизга етиши кутилапти.

Интернет хабарлари асосида Ойбек БОЗОРОВ тайёрлади.

КАСАНАЧИЛИК САМАРАСИ

Жорий йилда Фаргона вилояти бўйича 52,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу ҳақда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулло Қосимов журналист-ларга маълум қилди.

«Ешлар йили» Давлат дастурига асосан касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ма-саласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўна-лишда аниқ чора-тадбирлар қўрилгани боис, 21 минг 633 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Аҳолини иш билан таъминлашда касаначилик ҳам му-ҳим ўрин тутмоқда. Марғилон ва Қувасой шаҳарлари, Олтиариқ, Риштон, Учқўриқ туманларида фаолият кўрса-таётган ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асо-сида 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани фикри-миз тасдиғидир.

Собир ТУРДАЛИЕВ.

“Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ДАВВО ВА ДАВВОГАРЛИК

Давво ва даввогарлик нима? Шу ҳақда ҳуқуқий жиҳатдан тушунча берсангиз.

Х.Қосимов
Қашқадарё вилояти

Давво — бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёки қонун томонидан муҳофа-за қилинадиган манфаатни суд (ҳужалик суди) орқали ҳимоя қилиш воситаси.

Даввонинг икки жиҳати фарқланади: моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий. Биринчи ҳолатда сўз талабнинг мазмуни бўйича аниқланган факт-

кўрмасдан қолдириши ҳам мумкин.

Даввонинг уч элементи ишчи ҳимоя қилиш ва уни ўрганиш характери-ни бел-гиллаб беради: тақдим қилиш асослари, предмети ва маз-муни. Даввонинг мазмуни — қонунда манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага кели-шининг ўзгариши ёки бе-кор бўлишини боғловчи ҳуқуқий ҳолатлар. Давво-нинг предмети эса низоли ҳуқуқий муносабатдир.

Саволинига ҳуқуқшунос А.ДУСТОВА жавоб берди.

Болажон хақимиз. Шу боис ҳар бир хонадонда фарзанд туғилганда кўнглилар қувончга тўлади. Зеро, фарзандларимиз келажак ворисларидир.

Ҳўжайи туманида ҳам болажонларнинг соғлом ва бақувват вояга етишлари борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Сиз кўриб турган суратдаги шифокор Роза Файзуллаеванинг чехрасида ҳам узгача бир табассум мужассам.

Ҳинда туманида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган янги туғруқхона фойдаланишга топширилгани нафақат ота-оналар, балки шифокорлар учун ҳам қулайликлар яратди.

Мазкур шифохонада бугунги кунда 189 нафар малакали тиббиёт ходимлари аҳолига намунали хизмат кўраётмоқда.



Нусрат ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маънавият сабоқлари

Назокат самолёт ойнасидан ташқарига рази солди. Шаҳар ортда қолган эди. Унинг кўнгли Чотқол эстагига бош қўйиб ётган кишлоғига кетди. Кўз олдида ўғли Хуршид келди. "Хуршидбек! Ох, болажоним-а! — дея унсиз тўлғонди Назокат. — Сени жуда-жуда соғиндим, кўзинчоғим!"

Бирдан кўнгли алғов-далғов бўлди. "Ўғли танирманми? Таниса керак. Танилди: Ахир, бола онасининг ҳидини сезмайдими? Сизади. Худо хоҳласа, энажон, деб бўйинга осларди!"

Самолёт бир маромда гувилаб йўл танобини тортади. Дийдор қувончи билан ҳижрон азоби ўт билан сўвдек олишиб, Назокатнинг кўксини тимдалайди. Мусофир юртва келиб, тўғри қилди, адашмадими? Ўшанда Самиянинг гапига қирмаганда не бўларди? Бугунгидек кўйини-қўнжн тўлиб, бир дунё совға-салом билан уйга қайта олмас эди, берсанг — ейман, урсанг — ўламан, деб эрининг кўзига қараб ҳамон уйда ўтирарди. Йўқ, дугонасига хўп, деб тўғри қилди. Фақат, Хуршидбек... Ишқилиб, у туққан онасини танисин-да.

Назокат кўзларини юмди. Хаёлида худди кечагидек Самия жонланди... Бугунгидай баҳор эди. Назокат уйда эски кўрпаларини қавиб ўтирарди. "Хой, ўртоқжон, бормисан?", деб кишлоқнинг чеккасида турадиган дугонаси Самия кириб келди. Ясан-тусан жойида, жуда очилиб кетибди. Саккиз бармоғида тўрт хил узук, бўйнида икки қават тилло занжир. Ўттиз икки тиши бирдай ёнган. Самия бир-икки йилдан бери кишлоқда кўринмай қолган эди. Уни қозоқда, киргизда, бозорчи бўлиб кетган дейишарди. Ёлғон экан. Самия олдига, жуда олдига етти ёт элларда юрган экан. У оғиз кўпиртириб, ўзи борган жойларни мактади:

— Мен сенга кўм-кўк денгиз бўйларидан салом обқелдим. Мана бу чиганокқа қулоқ солсанг, денгиз шовқинини эшитсан. Мана бу мушк анбар ҳам сенга. Биттасини тутатсанг, уйингдан бир

ҳафта хиди кетмайди.

Самия ўртоғининг бармоғига кумуш узук тақиб қўйди. — Муборак бўлсин, дугонажон! — деди Назокатни ўпиб. — Сен ҳам юр, обқетай. Яқинда йўлга чиқаман, хўп десанг, икковимизга виза тўғрилайман.

Назокат баядан бери дугонасининг ўша олис юрт ҳақидаги хангомаларини киприк қоқмай тинглаб ўтирарди. Бирдан унга ҳаваси келди, ўзини Самиянинг ёнида кўрди, лекин иккилашиб елка қисди.

— Қандай бўларкан, — деди у хаёлан, — бошимда эрим бор, унинг устига ўғлим ҳали ёш...

— Қандай эмас, қандай бўла-

ОНАСИНИ ТАНИМАГАН БОЛА

ди! — баттар жўшди Самия. — Ҳозир бир эркакнинг тоғганига қаноат қилиб бўларканми? Тоғани ўзларининг чой-чилиминдан ортмайди. Секин, ётиги билан тушунтиргин. Бир-икки йил ишлаб келсанг, манавинақа йиртиқ кўрпаларга кунинг қолмайди. Ўғлинг қанча ойлик бўлди? Олти ойликми? Энангга ташлаб кетсан. Ҳозир она сутидан ҳам зўр овқатлар чиққан. Мен индинга келаман. Йўқ десанг, қўлга қўниб турган бахтингдан айрилсан, ўртоқжон!

Назокат ўша кунни эрига индамади. У аввало кўнглига қулоқ солмоқчи, босадиган қадамини обдон ўйлаб олмақчи эди. Назокат икки кун ўзи билан ўзи олишди. Дугонаси унинг юрагига чўғ ташлаб кетган эди. Бу чўғ жисми-жонини куйдириб, гоҳо жаннатмакон юртларга чорлар, гоҳо "одамга орият керак, она сутидан озгилдан кетмаган гўдак билан сўқабос эркакни ташлаб, дунё ахтариб кетиш диёнатданми?" дея дашон берарди. Охири кўнгли майли устун келди.

Самия келадиган кунни эрталаб чой вақтида Назокат қисиниб-қимтиниб эрига оғиз очди:

— Сизга маслаҳатли гап бор эди, хўжайин.

Истамбек гўё хотинининг ниятини биладигандек, кинояли жилмайди:

— Бизга қараб қолган қандоқ гап экан, онаси? Айтинг-чи, эшитайлик.

— Мен... Самия билан чет элга бориб ишлаб келмоқчиман.

— Ўртоғинг ахир, сени ҳам йўлдан урибди-да! — норози бўлди Истам.— Хўш, қанча вақтга экан? Бир ҳафтагами, бир йилми?

— Самиянинг айтишига қараганда, бир ой, ярим ой камлик қилармиш. Камида бир-икки йил деди. Шунда тоғанимда барақа бўлармиш...

"Бир-икки йил"ни эшитиб,

идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирди. Ҳафтани қувиб ҳафтала, ойни қувиб ойлар ўтаверди. Бу ерда Самиянинг таниш-билишлари кўп эди. Дугонасининг шарофати туфайли Назокат кузга яқин таом ташувчи ходима бўлди, қиш ўтгач, ошпазга ёрдамчиликка ўтиб олди. Маоши кўпайди, чўнтагига чойчақа тушди.

Назокат меҳнатдан ҳазар қилмасди. Соци супурги бўлди, қўллари қосов, елкаси обқаш бўлди. Шу алфозда бир-бирини қувиб, уч йил ўтиб кетганини сезмади. Бу орада бирон марта уйи билан гаплашолмади — Назокатнинг қўлида телефони бор, кишлоқда эса — йўқ. Хат-хабар ҳам олмади. Ҳаёлида онаси, эри, ўғли — учуволон номтаълум дунёга қўчиб кетганлек эди. Мана энди уларни кўргани осмонга фалакни

Истамбек хуштак қалиб юборди.

— Қойил, хотин! Ақлингга балли! Мен-ку, бир амаллаб кунимни кўрарман. Манави орасида гўдак нима қилади, тирик етим бўлиб қолаверадими?

— Нимага тирик етим бўлар экан у? Энамга ташлаб кетаман. Сиз борсиз, хабар олиб турасиз. Барибир сутим қолмади.

— Болага фақат она сутидан эмас, она меҳри ҳам керак. Наҳот шунини тушунмасанг, хотин?!

— Сиз ҳам тушунинг-да, дадаси. Бунақа имконият бир марта келади.

Даҳанаки жанг тагин ярим соатча давом этди. Охири Истамбек ўридан турди:

— Гап шу, сен у ёқдан қайтганнингдан кейин бу уйга қадам босмайсан. Ўзингни эрдан чиққан, деб ҳақдорайвер.

Ун беш кундан кейин баҳайбат лайнер Самия билан Назокатни Ўрта ер денгизи соҳилидаги обод шаҳарга элиб ташлади. Назокат Самия билан бирга ижарага олинган уйда ашай бошлади. Назокат бир миллионернинг ошонасига

гоҳ кўз ёшлари билан ювиб, гоҳо офтобга илжайиб боқиб, кетиб борапти.

Омон-эсон Тошкентга келиб қўнди. Чиройли машиналардан бирини гаплашди. Сандикдай жомадонларини юклаб, Богистон сари жўнади. Самолётдаги олти соат бир бўлди-ю, кишлоқ йўлидаги бир соат бир бўлди. Онасининг уйига яқинлашгани сари юраги гуп-гуп уриб, кинидан чиқиб кетгудай бўларди. "Хуршид қандай бўлди экан? Ишқилиб, энам омон-эсон ўтирган бўлсин-да. Истамбек-чи? У Назокат йўғида Хуршидни йўқлаб турганмикан эки..."

Назокат ўзи ўсиб-унган қадрдон ҳовлига қандай етиб келганини билмади. Ўша унқиб кетган эшикни аста очиб ичкари кирди. Бир нафас ҳар ёнга аланглаб туриб қолди. Кейин беихтиёр "Хуршид!" деб қичқириб юборди. Бегона аёлнинг товушига уйдан энаси чиқди. У бир қарашда кизини танимади. Назокат "Эна! Энажон!" дея она бағрига отилди. Шундагина она кизини овозидан

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ҳеч бир нарса мустаҳкам қонун ва давлат тизими каби инсонлар яхшилиги йўлида аъло хизмат эта олмайд.

ПЛАТОН. Ҳаммага баб-баравар ёқадиган қонунлар оламда бўлмайд.

КАТОН. Адолатли инсоннинг ахлоқий фазилатлари бемалол қонун ўрнини боса олади.

МИНАНДО. Эзгу хулқ-атвор ҳар қандай яхши қонундан аҳамиятлроқ.

ТАЦИТ. Шундай ёзилмаган қонунлар борки, уларга ёзилганларидан ҳам кўра қаттиқроқ амал қилишади.

СЕНЕКА.

Ҳаёт — ҳикматлар САНДИФИ

ЁНИНГДАГИ ДЎСТ — ДАГИ ДЎСТ

Донишмандларнинг фикрича, дўстлик ришталарини боғловчилар қуйидаги тўрт тоифага мансуб: биринчиси — болаликдан бирга ўсиб, сенга содиқ қолувчилар, иккинчиси — мону дунёингга шерик бўлиш ёки мансабингдан фойдаланиш мақсадида яқин юргувчилар, учинчиси — гузал аёлини ёхуд қизинг ишқига муқаббала, туртинчиси — дунёқарашингга ҳамфикр ёки касбдошлар.

Нақл қилишларича, бир кун ҳазрат Пахлавон Махмуд дўстлари билан ҳинд шохининг қўнғилочар тадбирига борибди. Қураш бўйича мусобақа уюштирилишини билиб, унда иштирок этишни мақсад қилибди. Давра борган сари кенгайибди. Етти иккидан келган машхур полвонлар йиғилибди. Охири майдонда тўрт киши қолибди.

Пахлавон Махмуд доимо ёнида юрадиган камтарин дўстини курашга чорлабди. Беллашув узоқ давом этибди. Ниҳоят, ҳинд алли абжирлиги туфайли ғолиб чиқибди. Шох ва унинг яқинлари фахр ила кўр ташлаб ўтирганмиш. Шунда Махмуд ҳазратлари дўстининг ори учун майдонга отилиб чиқибди.

Пахлавон Махмуд совринларни олиб, даврандан чиқач, қатта гиламини дўстига, ўзига эса кичигини қолдирди. Бундан хайратга тушган дўсти:

— Ҳазрат, мен бу совринга муносиб иш қилмадимми? Ҳеч бўлмаса, гиламларни алмаштирайлик! — дебди.

— Ёнидаги дўст — ёнидаги дўст, — дебди Пахлавон Махмуд мулоим табассум билан, — сизнинг хизматингизни мен эмас, қодир Эгам белгилайди. Сиз қанчалик хушнуд бўлсангиз, менга шунчалик ундан хайр келгай. Оқибат мол-дунё билан эмас, меҳр-муҳаббат орқали намоён бўлади.

Дарвоқе, фақат ўз манфаатини ўйлаб, биз билан ёнидаги дўст билан қамми?

Байт:

Сабот истасанг магар — чўққа яқин бўл,
Болийк устида турсанг — йўққа яқин бўл.
Икки дунё ичинда чин дўст истасанг,
Энг аввало назари тўққа яқин бўл.

Мурод ДИЛ.

ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театри жамоаси ўз репертуарини тобора бойитиб бормоқда. Улар яқинда Мансур Равшанов бошчилигида Миср араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро экспериментал театрлар фестивалида бойсуниқ ижодкор Холиқ Хурсандовнинг "Қайсар чолнинг қилиғи" номли асарини намоиш этиш учун жўнаб кетишди.

Ун кун давом этадиган фестивалда таниқли актёрлар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Й.Мирқурбонов, Х.Орипов, М.Махмудов, Ч.Чориев, халқ артисти Г.Равшанова, артистлардан Х.Насриддинов, Р.Раҳматов, М.Шарипов сингари иқтидор соҳиблари ижросидаги образлар санъат шайдоларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилоятда истикомат қилаётган ёш ижодкорлар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Учрашувда маънавият-тимизга дахлдор долзарб мавзулар атроф-

лича муҳокама этилди. Шунингдек, миллий қадриятларга алоҳида эътибор берилган ҳафтада вожада улкан ижодий захира мавжудлиги хусусида ҳам ифтихорга арзигулик фикрлар билдирди.

Тадбир қатнашувчиларда илқ таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Уларнинг билим олишлари, касб-хўнар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга Гулбаҳор Луқмонованинг эришаётган ютуқлари мисол бўла олади.

Гулбаҳор Китоб туманидаги 16-мактабда ўқийди. У ёш бўлишига қарамай, республика миқёсида ўтказилаётган "Янги авлод", "Нафосат" ёш ижодкорлар кўриктанловларида қатнашиб, мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Яқинда Гулбаҳорнинг "Ойдин оқшом" шеърий ҳамда "Хумо" номли насрий тўпламлари нашрдан чиқди. Сирождиддин Саййид, Исмоил Тўхтамишев, Мусаллам Умирова каби таниқли шоир ва ёзувчилар унинг шеър ва ҳикоялари ҳақида ёрқин фикр билдиришган.

Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири.

(Ўзбекистоннинг навбатдаги сони 31 октябрь, жума кун чикади).

ЎЗИГА ХОС ҚОНДАЛАР

Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан буён инсонлар маълум тартиб-қоидаларга амал қилади. Бу қоидалар жамият тараққий этган сайин турли хил қонунлар, меъёрий ҳужжатлар кўринишида тақомиллашиб бормоқда. Аммо айрим хорижий давлатларда шундай қонунлар ҳам қабул қилинганки, улар билан танишиш асносида хайрат ёқасини ўшлашга мажбур бўласиз.

Кўпчилик суратга тушишни хўш кўради. Агар сурат машхур инсон ёки диққатга сазовор жой билан боғлиқ бўлса, унинг қиммати янада ошади. Сиз мана шундай тоифага кирсангиз ва Австрияга боришни ният қилсангиз, маҳаллий қонунларни билишингиз талаб этилади. Чунки ушбу давлатда полиция ходими ва унинг машинасини суратга олиш мумкин эмас. Бунга амал қилмаганларга эса жазо муқаррар.

Шотландияда балиқлар яшанба кунни бемалол "хордик" чиқаришлари мумкин. Чунки ҳафтанинг бу кунинда балиқ овлаш тақиқланади. Австралида эса болаларнинг сигарета сотиб олишлари мумкин эмас, лекин уларнинг чекишларига ҳеч қандай қаршилик йўқ.

Французлар доимо тарихий шахсларни қадрлаб келишган. Уларда тўнғизни Наполеон исми билан аташ тақиқлаб қўйилган. Арконзасликлар эса ном қўйиш борасида французлардан ўтиб тушмаса-да, бундай масалага жиддий ёндашадилар. Фақат улар тарихий шахслардан кўра, ўз штатлари номини кўпроқ улуғлашади. Штат қонунларида белгиланганидек, "Арконзас" сўзини но-тўғри талаффуз этиш ҳам жиноят саналади.

Аризона штатининг Глендейл шаҳрида машинани орқага ҳайдаш мумкин эмас. Агар тўя минмоқчи бўлсангиз, Невадага бормаслик тавсия қилинади. Чунки бу ерда қатта йўлда туяда юришга рухсат этилмайди. Италияликлар кийиниш маданиятига алоҳида эътибор беришади. Қўчада юбка кийиб юрган эркак киши қонунга кўра, албатта, қамоққа олинади.

Хуллас, дунё мамлакатлари қонунчилигини кузатсак, бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Улар қанчалик қулиги ёки гайриоддий туюлмасин, ўз номи билан қонун, унга бўйсунмиш эса ҳар бир фуқароннинг бурчидир.

Ўқиткич ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



Қашта тикдим, ипаклари тиллодан, Тилаб эзгу тилакларни ибодан. Тўнсалар ҳазирлайман омамга, Мохрим сезсин қаштадаги имодан.

БУЮҚ ИХТИРО

Телефон XIX асрнинг сўнги чорағида пайдо бўлган эди. Унинг дунёга келиши америкалик иختирочилар И.Грей ҳамда А.Геллинг номи билан боғлиқ. Улар телеграф занжирларини элиштиришга бағишланган танловда қатнаша туриб, телефонлаш эффектини аниқлашди. 1876 йил 14 феврал кунини иختирочилар телефон алпаратларидан амалий фойдаланиш ҳақида буюртма бердилар. Грей буюртмаси 2 соат кечроқ берилганлиги учун патент Белгига насиб этди. "Беллингтон телефон компанияси" вужудга келиб, кейинчалик у қудратли корхонага айланди.

Жаҳонда биринчи телефон станцияси 1877 йилда венгер муҳандиси Т.Пушкеш лойиҳаси бўйича АҚШда, телефон станцияси кейинроқ Парижда 1879 йилда, Берлин, Петербург, Москва, Одесса, Рига ва Баршавада 1881 йилда қўрилган.

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Исмомил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатов ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Қамол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),

Муҳаммад АЛИ,
Мамазонир ХУҲАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Рашид ХАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Турсунали ҚУЗИЕВ,
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиши

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақсадлар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Бехбуд БОТИРОВ
Навбатчи — Фарҳод ҲОСИНОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ